

Дин — илм ва амалдир!



18:30 / 06.03.2022 2389

Баъзилар динни фақатгина баданий ибодатдан иборат деб ўйлашади. Ҳолбуки, дин илм ва ибодатдир. Илмсиз дин фалокатдир.

Ўйлаб кўринг, бир пайтлар шундай кишилар чиқдики, саҳобалар уларнинг қилган амаллари олдида ўз амалларини оз ҳисоблаб қолишди. Аммо у кишиларда ибодат бўлсада англаш йўқ эди, фикр йўқ эди, илм йўқ эди. Оқибат шу бўлдики, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг башариятнинг энг гултожлари бўлган саҳобалар розияллоҳу анҳумга қарши қилич кўтаришди.

Имом Молик роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Бир қавм ибодатни исташди, илмни зое қилишди. Оқибатда Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматига қилич яланғочлаб қарши чиқишди. Агар улар

илм олишганида илм уларни бундан тўсган бўлар эди!».

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Илмсиз амал қиладиган киши ислоҳдан кўра кўпроқ фасод қилади. Илмни шундай талаб қилинги, ибодатга зарар етмасин. Ибодатни шундай қилинги, илмга зарар етмасин!».

Ибодатнинг кўпи илмдан беҳожат қилмайди. Дин ва дунёни тушуниш албатта илмдадир!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Олимнинг обиддан афзаллиги худди тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир», дейдилар.

Бугун ҳам мусулмон умматини қони тўкилишида динсизлар билан бир қаторда илмсиз мусулмонларнинг, ақидаси бузуқ обидларнинг ҳам яхшигина ҳиссаси бор.

Зеро, бир мусулмоннинг ноҳақдан қони тўкилганидан, Аллоҳ учун бу дунёнинг йўқ бўлиб кетиши енгилроқдир!

Абдулқодир Полвонов